

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗУЛЛАЕВ ОЛИМ ХОЛМАМАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Нарзуллаев Олим Холмаматович

Ўзбекистонда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан
фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.....3

Нарзуллаев Олим Холмаматович

Совершенствование правового регулирования охраны и использования
биологических ресурсов в Узбекистане.....33

Narzullaev Olim Holmamatovich

Improving the legal regulation of protection and use of biological resources in
Uzbekistan61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....65

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗУЛЛАЕВ ОЛИМ ХОЛМАМАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2./Үи61 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Усмонов Мухаммади Бахритдинович
юридик фанлар доктори, профессор

Имомов Нурилло Файзуллаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Камалов Ойбек Ахматович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үи.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 17 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (921-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36.

Диссертация автореферати 2020 йил 2 июль куни тарқатилди.

(2020 йил 2 июлдаги 23-рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Д.Ю.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С.Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш муҳим ижтимоий-ҳуқуқий масалалардан бири саналади. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Қизил китобига ҳайвонларнинг 73 та тури ва кенжа турлари киритилган. Уларнинг келажаги глобал кўламда ташвиш уйғотади. Глобал экологик жамғарма маълумотларига кўра, «биологик хилма-хиллик камайиб бораётгани, чунончи: ноёб генлар, турлар ва экологик тизимлар йўқ бўлиб кетаётгани таҳдид сифатида қаралмоқда. Агар биологик хилма-хиллик йўқолишининг ҳозирги тезлиги сақланиб қолса, одамларнинг табиий яшаш жойларини бузиш, ифлослаш, иқлимни ўзгартириш борасидаги ҳаракатлари натижасида сайёрамиздаги турларнинг ярми 100 йилдан ҳам камроқ вақт ичида йўқ бўлиб кетади»¹. Шу нуқтаи назардан биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқи механизмларини таъминлаш воситаси сифатида, ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, экологик ҳолат барқарорлигини таъминлаш, биологик ресурслар, биотехнологиялар, ген инженерияси, биохилма-хиллик давлат кадастри ва мониторинги етарлича амалга оширилмаслиги, биохилма-хилликни сақлаш соҳасида молиялаштириш, баҳолаш механизмлари етарлича жорий этилмаганлиги, миллий қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, институтининг таъсирчан механизмларини жорий этиш, биологик хилма-хилликка нисбатан аҳолининг хабардорлиги ва экологик маданияти даражасини ошириш орқали уларни экологик муаммоларни ҳал этишга фаол жалб қилишга алоҳида эътибор берилиб, мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган «Ҳаракатлар стратегиясига асоланган ҳолда биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси устувор йўналишларни, мақсадлар ва вазифаларни, режалаштиришни, уларга самарали эришиш усулларини, шунингдек, узоқ муддатли истиқболга биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида барқарор тизимни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши босқичлари белгиланди»². Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий таъминлашни ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон

¹Биохилмахиллик Ўзбекистоннинг келажаги учун қай даражада муҳим? <http://sgp.uz/uz/gef-thematics/biodiversity>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони/Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. - № 6. – 70-б.

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида юртимизда 2020 йилни- «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», деб эълон қилиб, «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз керак» деб алоҳида таъкидлади.³ Фикримизча, мазкур концептуал ғоя мамлакатимизда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга бевосита алоқадордир.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1992), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (2016), «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (2016), «Ўрмон тўғрисида»ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сон «2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ривожига таъсир кўрсатмоқда

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши Ўзбекистонда фанларни ва технологияларни ривожланиши яъни I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» йўналишида белгиланган вазифаларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, Harvard University(АҚШ), University of Bonn (Германия), University Paris-Sud (Франция), Ghent University (Бельгия), Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Estonian Environmental Law Centre (Эстония), University of Twente

³Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/categ/ory/5.24.01.2020>. «Халқ сўзи» газетасининг 2020 йил 25 январдаги, №19 (7521) сони.

⁴Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: «www.harvard.edu, www.uni-bonn.de, www.u-psud.fr/fr/index.html, www.u-tokyo.ac.jp/en/index.html, [Shanghai University http://www.shanghai.edu.cn/Default.aspx](http://www.shanghai.edu.cn/Default.aspx), <http://www.izak.ru>, <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; www.hs-mittweida.de; <http://www.sorbonne-university.com>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <https://www.ecology.uga.edu>; <http://web.mit.edu>; <https://www.indiana.edu>; <http://www.sggw.pl>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>; www.rug.nl; <http://www.wvfindia.org>; <http://www.mq.edu.au>; <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; www.iseu.bsu.by, www.tsul.uz» ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

(Нидрландия), The University of Tokyo(Япония), Shanghai University (Хитой), Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқ институти, Санкт-Петербург давлат университети, илмий тадқиқот маркази (Россия), Тошкент давлат юридик университетида олиб борилмоқда.

Биологик хилма-хилликни сақлаш, устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар, режалаштириш, уларга самарали эришиш усуллари, шунингдек, узоқ муддатли истиқболга биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида барқарор тизимни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати билан боғлиқ масалаларга оид қайд этилган хорижий илмий тадқиқотлар натижасида илмий натижаларга эришилган. Биологик ресурсларнинг ҳуқуқий муҳофаза чора-тадбирлари каби масалалар очиб берилган (Harvard University(АҚШ); стратегик бошқариш орқали иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш асослангандир (Cambridge University, (Буюк Британия); ижтимоий фаолиятга мақсадли иқтисодий таъсир кўрсатиш орқали барқарор ривожланишга эришиш таклиф этилган (National University of Seoul, (Жанубий Корея); ҳудудий режалаштиришни тартибга солиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асосланган (Халқаро давлат экология институти, (Беларусь); урбанизациянинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш орқали инсон ҳаётининг фаровонлиги ва табиатда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш асослангандир (Estonian Environmental Law Centre (Эстония); оқилона ва барқарор тарзда чекланган ресурсларни бошқариш орқали барқарор ривожланиш ва савдо, режалаштириш соҳасида замонавий ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг ривожланиши асослаб берилган (Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция); биологик ресурсларни муҳофаза қилишда халқаро шартномаларнинг аҳамияти(Франция); биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш механизмлари ишлаб чиқилган(Тошкент давлат юридик университети).

Дунёда биологик ресурсларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: биологик ресурсларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш; биологик ресурслардан самарали оқилона фойдаланиш ва унинг ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш; биологик ресурсларни ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларининг халқаро унификациясини таъминлашга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича экология ҳуқуқи назарияси ихтисослиги нуқтаи назаридан монографик тарзда тадқиқот иши олиб борилмаган. Ушбу диссертация тадқиқоти билан боғлиқ муаммолар умумий асосларда мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан у ёки бу даражада ўрганилган. Бунга И.Ж.Жалилов, Ю.А.Жураев, Ж.Т.Холмўминов, М.Б.Усмонов, Ш.Х.Файзиев, У.Т.Аюбов, У.Б.Бозоров, Н.К.Скрипников, С.С.Ҳамроев, М.К.Нажимов, И.А.Черкашина, Ф.С.Намазов, Г.Г.Файзуллаева,

Дж.И.Сафаров, М.М.Нурматов, Г.Ш.Узакова, М.Р.Мирзаабдуллаева, Р.Ҳ.Кенжаев, Д.М.Умаров, Д.Н.Маҳкамов, Р.С.Тошбоева, Т.Мирзаев, А.А.Нуридиллаев каби олимларнинг илмий ишларини кўрсатиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда биологик ресурслар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган ва у билан боғлиқ масалаларнинг назарий жиҳатлари, чунончи, биологик ресурслардан фойдаланишда иқтисодий томонларини Т.С.Хачатуров, М.Н.Лойтер, Дж.А.Диксона; биологик ресурслар халқаро экология ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида А.Бойль, Я.Броунли, А.Грос; биологик ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик масалалари Д.Н.Бахраха, В.Р.Кисина; сувдаги биологик ресурсларни ноқонуний овлаганлик учун жиноий жавобгарлик масалалари А.А.Дежурный, О.М.Неудахина ва бошқа олимларнинг диссертацияларида ўрганилган.

Биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида барқарор тизимни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши, Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни тартибга солишнинг айрим жиҳатлари МДҲ мамлакатларининг бир қатор олимлари томонидан, яъни В.И.Андрейцев, В.В.Петров, М.М.Бринчук, Н.Н.Веденин, А.Ю.Верхотуров, Р.Х.Гиззатуллин, Д.П.Дичюте, Б.В.Ерофеев, Г.И.Зайчук, О.С.Колбасов, М.С.Мехтиев, В.Романов, И.Ф.Панкратов, В.С.Шаховларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган⁵.

Юқоридаги ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаким, гарчи тадқиқот мавзуси доирасида муайян илмий ишланмалар мавжуд бўлса-да, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ривожланиши шароитида экологик қонунчилиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича маълумотлар базаларига оид экологик-ҳуқуқий муносабатлар илмий-назарий тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунлари ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари, биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш, экология соҳасидаги қонунларни ислоҳ қилиш муммолари илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2016 йил 30 январдаги 6-сонли йиғилиш баённомаси (4-масала) қарори билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда биологик ресурсларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни комплекс таҳлил қилиш асосида экология тўғрисидаги қонун ҳужжатларини

⁵Бу олимларнинг илмий адабиётлари ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилаган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий моҳиятини аниқлаш ҳамда уларга тавсиф бериш;

биологик ресурслардан фойдаланиш соҳасида қонун ҳужжатларини таҳлил этиш;

биологик ресурслардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида бошқариш муаммоларини ўрганиш;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш муносабатларида учрайдиган ҳуқуқбузарликлар сабабларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш бўйича асослангандирган таклифлар киритиш;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солувчи қонунларни илмий экспертизадан ўтказиш уларни мукамаллаштириш соҳасида амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, биологик ресурсларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларининг ечимини топиш.

Тадқиқотнинг объекти биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантикий, аниқ сациологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитда ўсадиган ёки сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган барча турдаги ёввойи ўсимликлар мажмуи ўсимлик дунёси ҳисобланиши асосланган;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаси сифатида иштирок этиши зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги томонидан табиий шароитларда тиклаш ҳамда такрор кўпайтириш имконияти бўлмаган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонларни сақлаб қолиш мақсадида уларнинг кўпайиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши лозимлиги асослаб берилган;

давлат ўрмон кадастри Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ўрмонлар, уларнинг географик ўрни, ҳуқуқий мақоми, миқдорий ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган

ишончли кадастр ахбороти тизимидан иборат бўлиши лозимлиги асосланган;
ўрмонлар экологик (тупроқни муҳофаза қилиш, сувни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда бошқа табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, ҳимоя, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреация) ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариши асослаб берилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунини давлат ўрмон кадастри Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ўрмонлар, уларнинг географик ўрни, ҳуқуқий режими, миқдорий ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли кадастр ахбороти тизимидан иборат бўлиши асослаб берилган;

Биологик ресурслар билан боғлиқ бўлган масалада махсус ваколатга эга бўлган органлар ва уларнинг қонун ҳужжатларни қўллаш ҳамда амалга ошириш борасида янги тизим жорий этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда халқаро тажриба ва халқаро ҳужжатларнинг мазмун моҳиятини миллий қонунчиликка сингдириш, биоресурслар борадаги қонунчилик тенденцияси, замонавий нормалар ва институтларни яратиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибаси, қонунларни қўллашда амалиёт, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилган. Шунингдек, ижтимоий сўровнома ва эксперт сўров шаклларига асосланган ҳолда тадқиқот натижалари экология соҳасидаги умумий ва махсус ваколатли органларнинг ишчи гуруҳи йиғилишларида, халқаро ва республика миқёсида илмий анжуманларда муҳокама этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАҚтомонидан рўйхатга олинган илмий нашрларда чоп этилган. Таклиф ва тавсияларнинг амалиётган жорий этилганлиги ваколатли орган томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий-тадқиқот ишларида, назарий хулосалар, тавсия ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хиллик соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ҳуқуқий асосини ривожлантиришда, биологик ресурслар соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини, биоресурсларга оид қонунчилик тизимини яратишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари ва унда илгари сурилган ғоялардан экологик муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Экология ҳуқуқи», «Ер ҳуқуқи» ва «Аграр ҳуқуқи» фанларидан дарс беришда, фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экология ҳуқуқида биологик ресурсларни ҳуқуқий тартибга солиниши бўйича қуйидаги тавсияларда фойдаланилган:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитда ўсадиган ёки сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган барча турдаги ёввойи ўсимликлар мажмуи ўсимлик дунёси ҳисобланиши тўғрисидаги таклифлар 2016 йил 21 сентябрида қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси 2016 йил 3 октябрдаги 04/4-174-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассаси сифатида иштирок этиши зарурлиги тўғрисидаги таклифлар 2016 йил 21 сентябрида қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси 2016 йил 3 октябрдаги 04/4-174-сон маълумотномаси). Бу таклиф ўсимлик дунёси тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилди;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги томонидан табиий шароитларда тиклаш ҳамда такрор кўпайтириш имконияти бўлмаган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи

хайвонларни сақлаб қолиш мақсадида уларнинг кўпайиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши лозимлигига оид тавсиялар 2016 йилнинг 19 сентябрида қабул қилинган янги тахрирдаги № ЎРҚ408-сонли Ўзбекистон Республикасининг «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2016 йил 3 октябрдаги 04/4-174-сонли маълумотномаси) хайвонот дунёсидан фойдаланишнинг механизмини такомиллаштиришга хизмат қилди;

давлат ўрмон кадастри Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ўрмонлар, уларнинг географик ўрни, ҳуқуқий режими, миқдорий ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли кадастр ахбороти тизимидан иборат бўлиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси 2018 йил 17 декабрдаги 07-38/42-32-сон маълумот-номаси). Ушбу таклифлар ўрмондан фойдаланишнинг асосий қоидаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўрмонларнинг экологик (тупроқни муҳофаза қилиш, сувни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва хайвонот дунёсини ҳамда бошқа табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, ҳимоя, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреация) ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариши бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси 2018 йил 17 декабрдаги 07-38/42-32-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ўрмондан фойдаланишнинг асосий қоидаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишга асосланган таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси 2018 йил 17 декабрдаги 07-38/42-32-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ўрмондан фойдаланишнинг асосий қоидаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 36 та илмий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро, 32 та республика илмий-амалий анжуманларида кўрилган ва нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 64 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 40 та мақола (4таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Докторлик диссертация

кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 259 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услублари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Биринчи боб **«Биологик ресурсларнинг ҳуқуқий категория сифатидаги назарий-ҳуқуқий масалалари»** деб номланиб, биологик ресурсларнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳуқуқий роли ва аҳамияти, биологик ресурслар ҳуқуқий категория сифатида унинг ҳуқуқий моҳияти батафсил очиб берилди. Хусусан, биологик ресурсларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти кўпроқ ўрганилган бўлса-да, унинг ҳуқуқий аспектларини ўрганиш, бу борадаги қонунчиликни мустаҳкамлашда зарурлиги тадқиқотда ўз аксини топган. Бунда хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган таърифлар қиёсий таҳлил қилинган ҳамда ушбу таҳлилдан келиб чиққан ҳолда муаллифлик таърифи шакллантирилган. Биологик ресурсларнинг экологик роли ва аҳамияти, ўзига хос хусусиятларини аниқлашда илмий-назарий аҳамиятга молик жиҳатлари экология ҳуқуқи нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Биоресурсларга тааллуқли асосий атамалар ва биоресурслар бўйича вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар тавсифи ва ҳуқуқий омиллар бўйича илмий таснифлари ўрганиб чиқилган ҳамда оригинал муаллифлик таснифи ишлаб чиқилган. Мазкур муаллифлик таснифи биологик ресурсларнинг ҳуқуқий моҳиятини янада аниқлаштиришга хизмат қилган ҳамда келгусида биологик ресурсларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари учун илмий-назарий асос бўлиши мумкинлиги асослантирилган.

Муаллиф томонидан адабиётларни ва турли хил қарашларни таҳлил қилиш асосида «биологик хилма-хиллик» ва «биологик ресурсларнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳуқуқий роли ва аҳамияти экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизм» каби илмий категорияларнинг мазмун-моҳияти, асосий жиҳатлари, шунингдек, экология соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик-ҳуқуқий ролнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Биологик хилма-хиллик деганда генетик

хилма-хиллик, турлар, экотизимлар мажмуаси тушунилади. Биологик хилма-хиллик уч даражага бўлинади: генетик хилма-хиллик, турлар хилма-хиллиги ҳамда экотизимлар хилма-хиллиги. Генетик хилма-хиллик ер ёки конкрет ҳудуднинг тирик моддасида жамланган генетик ахборотни акс эттиради. Турлар хилма-хиллиги конкрет ҳудудда тарқалган турларнинг сони ва учрашининг такрорийлигини акс эттиради.

Тадқиқотчи Ўзбекистонда биологик ресурсларнинг ижтимоий-иқтисодий роли муҳим аҳамият касб этишини қайд этади. Биологик ресурсларни барқарор сақлаб қолинишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳуқуқий қонунчилик моҳияти, биологик ресурслар ҳолатига таъсир қилувчи жисмоний ва юридик шахсларга ижтимоий-иқтисодий усулларни қўллашда намоён бўлади ҳамда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларини бажаришга ундайди

Илмий ишда тушунчаларга нисбатан хорижий ҳуқуқшунос олимлар (Г.У.Бейтс, В.Р.Розен, И.В.Гущин, Е.Н.Дуля, А.Г.Авдей, Н.В.Лебедева, Н.Н.Дроздов, А.С.Боголюбов, О.М.Дубовик, Г.И.Зайчук, А.Ю.Верхотуров, Р.Х.Гиззатуллин, Д.П.Дичюте, Б.В.Ерофеев, И.А.Панкратов, А.Безбородов, Б.Д.Горохов, М.А.Черкаева, С.Галиновская) ва Ўзбекистонлик олимлар (Ю.А.Жураев, Ш.Х.Файзиев, М.Б.Усмонов, Ж.Т.Холмўминов, У.Т.Аюбов, У.Б.Бозоров, Б.Х.Калонов, Б.Б.Алиханов, И.М.Мамараимов, М.К.Нажимов, Ф.С.Намазов, А.Н.Нигматов, Ш.Абдурахмонов) томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида «биологик ресурслар», «ҳайвонот дунёси», «ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш», «ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси», «генетик ресурслар», «зоология коллекцияси», «ёввойи ҳолда ўсувчи организмлар», «ўсимлик дунёси», «ўрмон», «Муҳофаза этиладиган ҳудуд» тушунчалари мазмун-моҳияти, умумий ҳамда фарқли жиҳатлари, ўзига хослигини тавсифловчи хусусиятлари очиқ берилган. «Биологик ресурслар» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф қилинади: Биологик ресурслар – бу генетик ресурслар, организмлар ва уларнинг қисмлари, инсоният учун қимматли ёки потенциал фойдали бўлган экотизимларни ўз ичига олади. Ушбу таъриф умумий халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан берилган. Экология соҳасидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари мазмуни ва илмий адабиётлардаги таҳлилларга кўра, биологик ресурслар – бу табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар мажмуи. «Ҳайвонот дунёси» «Ўсимлик дунёси» тушунчаларига қуйидагича таъриф бериш таклиф қилинди: Ҳайвонот дунёси – бу ҳайвонот дунёсида мавжуд бўлиб, табиий эркин шароитда яшаётган ҳайвон галаларини, шунингдек сув ва чўлда яшовчи барча ёввойи ҳайвонларнинг мажмуаси ҳисобланади. Ўсимлик дунёси – бу табиий муҳитда ўсадиган ёки сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган барча турдаги ёввойи ўсимликлар мажмуи ҳисобланади. Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш, биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш,

барқарор ривожланишни таъминлашда биологик ресурслардан фойдаланишни ташкил этилишида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилган ва илмий жиҳатдан асосланган.

Ўзбекистон ҳудуди табиий экотизимларнинг ниҳоятда хилма-хиллиги билан тавсифланиши ёритилган. Текис минтақаларда чўл экотизимлари, тоғ экотизимларида эса баландлик зоналари мавжуд, тоғ экотизимларининг асосий типларига мувофиқ бўлган бир қанча зонал-иқлим пояслари аниқ намоён бўлиши кўрсатиб берилган. Дарё ва қирғоқбўйи экотизимлари ҳам текисликда, ҳам тоғли минтақаларда жойлашган, уларнинг ҳар бирида ўзига хос яшаш жойи мавжудлиги, сув-ботқоқлик экотизимлари асосан мамлакатнинг текислик ҳудудларида жойлашганлиги эътироф этилган.

Диссертацияда экотизимларнинг ниҳоятда хилма-хиллиги билан боғлиқ масалалар ёритилиши алоҳида тадқиқ этилган. Хусусан, Ўзбекистон ҳудуди учун табиий экотизимларнинг турлари, олимлар томонидан (Ж.Т.Холмўминов, Н.К.Скрипников, У.Т.Аюбов, С.А.Боголюбов, А.Нигматов) гуруҳларга ажратилган ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш доираси бўйича таснифланган.

Ўзбекистон ҳудудида табиий экотизимларнинг типлари мавжуд бўлиб, уларга чўл, тоғолди ва тоғ, дарё, сувли-ботқоқли экотизимлари киради. Бу экотизимда комплекс табиий компонентлар бор бўлиб, булар ўз навбатида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланишига ёрдам беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Биологик ресурсларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари»** деб номланиб, унда биоресурсларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш тавсифлари, ўрмон муҳофазаси ҳуқуқий талаблари мазмуни ва тизими, ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятлари экология ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида конституция, қонун, қонуности ҳужжатлари тавсифи тадқиқ этилган.

Тадқиқотда илк маротаба биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги манбаларнинг тарихий ривожланишини уч даврга бўлган ҳолда босқичларга ажратилмоқда. Биринчи босқичга оид қадимги даврни қамраб олиб, Зардуштийларнинг «Авесто» китобига биноан инсон яшаши давомида тирик табиатга бирон бир таризда зарар етказмаслиги зарур, сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир (Avesto). Иккинчи босқич собиқ Иттифоқ даврида ҳайвонот (ўрмон, ўсимлик) дунёси объектларидан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликнинг ривожланишига бағишланган бўлиб, «Ов қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги(1964), «Ҳайвонларга шафқатсиз муомалада бўлганлик учун жавобгарлик тўғрисида»ги(1968) фармонлар, «Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1981) Қонун орқали ушбу даврда фауна ҳуқуқининг ўзига хослиги эътироф этилган. Кейинги ўринда, мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳайвонот

(ўрмон, ўсимлик) дунёси объектларидан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишни тартибга солувчи қонунчилик ривожланишининг асосий тенденциялари ажратиб кўрсатилган. Марказий Осиё ўсимликлар оламини ҳар томонлама ўрганишга катта ҳисса қўшган академиклар (Е.П.Коровин, К.З.Зокиров, С.Ю.Юнусов, А.Музаффаров, Ж.К.Саидов, О.Содиқов) илмий манбалари ва таклиф ҳамда тавсиялари ўрганилган.

Диссертациянинг мазкур бобида, ўрмон деганда ўрмон фондига ажратилган, давлат рўйхатига олинган, экологик ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган дарахтлар, буталар ва бошқа ўсимликлардан таркиб топган табиат объекти мажмуи келтириб ўтилади. Муҳофаза этиладиган ҳудуд деганда биологик хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш ҳамда табиий ресурслар ва улар билан боғлиқ маданият элементларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган, бундай мақсадга хос бўлган қонуний ва маъмурий бошқарув тартибига бўйсунган қуруқлик ёки денгиз қисми тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (мазкур Қонунга ЎЗР 14.09.2017 й. ЎРҚ–446-сон, ЎЗР 18.04.2018 й. ЎРҚ–476-сон қонунларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган), ушбу Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, ҳайвонот дунёси объектларини ва уларнинг яшаш муҳитини кузатиб бориш, уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш атроф табиий муҳит давлат мониторинги ягона тизими бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу нормаларнинг амалда таъминланишининг процессуал жиҳатлари белгиланган бўлиши лозим. Акс ҳолда, умумэътироф этилган ҳайвонот дунёси мониторинги тўғрисидаги юридик норма ҳаракатсиз, ўлик қоидага айланади.

Диссертацияда биоресурсларни алоҳида муҳофаза режими асосида сақлаш, тиклаш ва кўпайтиришда, Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тартибга солишда ва ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради: муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тартибга солишда илмий ишлаб чиқарилган, техникавий, ташкилий тавсияномаларнинг аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, мукамал ҳуқуқий нормаларсиз уни амалга ошириб бўлмайди. «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Лекин, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасидаги умумий ва махсус ваколатли давлат органлари ўзи қайси органлардан ташкил топиши кўрсатилиши керак. «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунда ва бошқа табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳаси бўйича қонунларда конкрет ҳуқуқ ва бурчларни ифодаловчи қабтий қоидалар битилиши лозим. Ушбу қонунларда «фойдаланишга берилиши мумкин», «ер участкаси олиб қўйилиши мумкин»,

«пуллик асосда амалга оширилиши мумкин», «матбуот нашрларига эга бўлиши мумкин», «ижарага берилиши мумкин» «участкаларга бўлиниши мумкин» каби ҳеч қандай бурч ва мажбурият юкламайдиган умумий ибораларга, чақириқларга, эгасиз кўрсатмаларга ўрин бўлмаслиги лозим. Бу қонунчиликда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайдиган, яъни ҳаволаки нормалар кўп. Бу қонуннинг асосий камчилиги деб қарашимиз мумкин ва бу борадаги камчиликларни бартараф этишимиз керак.

Ўсимлик дунёсини ҳуқуқий муҳофаза қилишда миллий боғларнинг ўрни беқиёс катталигини ҳисобга олган ҳолда ушбу меъёрларнинг бир мунча кенгайтириш кераклиги аста-секинлик билан сезилиб бормоқда. Шунинг учун бизда ҳам «Табиат боғлари тўғрисида» қонун ишлаб чиқилиб қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан, қонунимизнинг айрим жиҳатлари табиат боғларининг хусусиятларини очиб бера олмаган. Мисол учун табиат боғларини ташкил этишнинг асосий вазифалари, табиат боғларини бошқариш ҳуқуқини олган давлат органларининг ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг табиат боғлари борасида олиб бориш мумкин бўлган ишлар ва ваколатлари миллий табиат боғларидан туризм-экскурсия-реклама, ношрликдан қандай тартибда фойдаланиш тартиби ва фойдаланувчи субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, миллий табиат боғларининг молиявий муносабатлари, уларнинг бошқа табиат боғлари билан ўзаро ҳамкорлиги муносабатлари тўғрисида, шунингдек табиат боғлари қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлиги масаласини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир.

Диссертациянинг учинчи боби **«Биологик ресурсларнинг хўжалик ҳуқуқий мақоми: экологик-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш истиқболлари»** деб номланиб, биологик ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқининг мазмуни ва тавсифи масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, биологик ресурсларнинг хўжалик ҳуқуқий мақоми, экологик-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш масалалари таҳлил қилинганда мавжуд ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиётига баҳо берилган. Биологик ресурсларнинг хўжалик ҳуқуқий мақоми масалаларида биогаздан фойдаланишнинг назарий-ҳуқуқий асослари қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан таҳлил этилган.

Биологик ресурсларнинг хўжалик ҳуқуқий мақоми, биологик ресурслардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг назарияси ва амалиётида юзага келадиган муаммолар комплекс равишда ўрганилиб, тегишли хулосалар ишлаб чиқилган. Хусусан, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги 710-П-сонли Қонунининг 14-моддасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри нафақат давлат бюджети, балки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар

ҳисобидан ҳам молиялаштирилиши, кадастр бўйича зарур ахборотни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига текин тақдим этилишини белгилаш мақсадга мувофиқ эканлиги илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Хусусан, тадқиқотнинг мазкур бобида аниқ ва махсус қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқлиги асосланган. Ушбу қонуннинг номи «Сувдаги биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва балиқчилик тўғрисида»ги қонун деб номланиши керак. Унда қуйидаги ҳолатлар кўрсатилиши лозим. Жумладан, биринчи бўлими умумий қоидалар деб номланиши керак. Унда: ушбу қонун тартибга соладиган муносабатлар, асосий тушунчалар, мулкчилик масаласи; иккинчи бўлимда: сувдаги биоресурслар ва балиқлардан фойдаланишда давлат бошқаруви, Вазирлар Маҳкамасининг бу соҳадаги ваколатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балиқ ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари; учинчи бўлимда: сувдаги биоресурслардан фойдаланиш деб номланиб, унда сувдаги биоресурслардан фойдаланиш турлари, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, балиқ овлаш қоидалари, сувдаги биоресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш; тўртинчи бўлимда: сувдаги биоресурсларни муҳофаза қилишда давлатнинг тутган ўрни билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топиши лозим; бешинчи бўлим якуний қоидалар деб номланиб, унда: бу борада келиб чиқадиган низоларни тартибга солиш билан боғлиқ масалалари илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Аҳолининг ўсиши табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш, биологик ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, барқарор ривожланиш шароитида илм-фан ютуқлари инновацион технологияларини жорий этган ҳолда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш орқали тараққиётга эришиш талаб этилади.

Ўзбекистоннинг турли типдаги сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини оширишнинг биологик асослари ўрганган олимлар (Ж.Азимов, М.Юлдашов, Б.Камилов, Х.Ахмедов, Б.Каримов, У.Турғунова)нинг фикр-мулоҳазалари ўрганилган. Сувдаги биологик ресурслар деганда сувда яшовчи балиқлар, умуртқасизлар, табиий эркин шароит бўлган сувда ўсувчи (яшовчи) ўсимлик ва ҳайвонлар, сув ўтлари, сувда яшовчи сут эмизувчилар тушунилади. Сувдаги биоресурсларни сақлаб қолиш деганда эса сув биоресурсларини ўрганиш ва ҳимоя қилиш, кўпайтириш, улардан самарали, оқилона фойдаланишни илмий тадбирлар асосида амалга ошириш орқали сув биоресурсарини максимал даражада барқарор ишлаб чиқариш ва уларнинг биологик хилма-хиллигини таъминлаш, мумкин бўлган даражаларга қайтариш, уларнинг яшаш жойларини ҳимоя этиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрири)да халқаро тушунча ҳисобланган «браконьерлик» (ноқонуний ов қилиш) тушунчасига таъриф берилмаган. Браконьерлик (ноқонуний ов қилиш) - ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини бузиб ёввойи ҳайвонларни овлаш, тутиш ёки йўқ қилиш

ҳисобланади.

Тадқиқотчи томонидан сувдаги биологик ресурсларни маҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида кўпгина хорижий давлатларда (АҚШ, Канада, Австралия, Буюк Британия, Франция, Япония, Норвегия, Исландия, МДҲ давлатлари Озарбайжон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон) махсус қонунлар қабул қилинган.

Юридик адабиётлар ва янги қонунчилик мазмунига кўра биологик ресурсларни маданийлашган ва маданийлашмаган биологик ресурсларга ажратилади. Маданийлаштирилган биологик ресурсларлар мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини, фармацевтика ва қишлоқ хўжалигининг асосини таъминлайди. Маданийлаштирилган биологик ресурсларни биологик ресурсларнинг турларидан бири сифатида таснифлаш мумкин: келиб чиқиши бўйича, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг табиий таркибий қисмларидан келиб чиққанлиги; қишлоқ хўжалигида ресурс сифатида хўжаликда фойдаланиш турлари сифатида (уруғчилик, чорвачилик); ишлаб чиқариш манбаи сифатида (қишлоқ, ўрмон хўжалиги, фармацевтика саноати, биотехнология маҳсулотлари бозори) фойдаланиш мезони бўйича; маданийлаштирилган биологик ресурсларни моддий активлар (моддий шакл, масалан, уруғлар) ва номоддий активлар (интеллектуал ҳуқуқлар, масалан, селекция ютуқлари учун) деб таснифлаш мумкин. Доривор ўсимликларни етиштириш учун ихтисослашган Фермер хўжаликларни ташкил этиш бўйича алоҳида низом қабул қилиниши таъкидланади.

Кўп йиллик дов-дарахтлар жумласига неча йиллик дов-дарахтлар киритилиши қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги, шунингдек, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилади. Камида ўн йил бўлган дарахтларни кўп йиллик дарахтлар жумласига киритиш кераклиги таъкидланган. Зарарни қоплаш учун ҳам мулк сифатида эътироф этиш учун ҳам муҳимлиги асосланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш қонунчилигини такомиллаштириш масалалари**» деб номланиб, унда биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштириш масалалари атрофлича ўрганилиб, давлат соҳани кўпроқ қонун билан эмас, балки кўплаб қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали ҳуқуқий тартибга солиб келмоқда, давлатимиз мустақилликка эришган пайтларидан то ҳозиргача бўлган даврда биологик ресурслар қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиш амалиёти давом эттирилган. Хусусан, ўрмон (ўсимлик) қонунчилиги тадқиқ қилинган, ҳайвонот муҳофазаси қонунчилиги норматив-ҳуқуқий базасининг илмий-назарий асослари таҳлил этилган, биохилма-хиллик объектлари қонунчилиги роли ва аҳамияти очиб берилган. Бу борада қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мазкур бобда биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни

ҳуқуқий муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштириш масалалари назарий ва эмпирик тадқиқот натижаларига асосланиб таҳлил қилинган. Хусусан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, қонунчиликда ушбу ресурслардан оқилона фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилмаган; иккинчидан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш тартибини белгилайдиган ҳар иккала қонуннинг ўнлаб моддалари декларатив ва ҳаволаки характерга эга; учинчидан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу ресурслардан фойдаланишнинг институционал ва процессуал тартиби белгиланмаган; тўртинчидан, «биологик ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий механизми кўрсатилмаган» (Б.Алиханов); бешинчидан, табиатдан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи чоралар тартиботи аниқ белгиланмагандир.

Ўсимлик дунёси билан боғлиқ муносабатлар ўрмон (ўсимлик) қонунчилиги тартибга соладиган муносабатлар доирасига кирмасдан, балки бошқа ҳуқуқ соҳаси билан тартибга солиниши эътироф этилади. Чунончи, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

Республикада ўрмон(ўсимлик)ларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни кўпайтириш соҳаси халқаро ҳуқуқий тажриба, илм-фан ва техника ютуқлари асосида шакллантирилган бўлса-да, ҳозирги давр дунё тараққиёти талабларига жавоб бериши қийин эканлиги кўрсатилган. Ўрмон (ўсимлик) қонунчилигини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда ўрмон(ўсимлик)ларни ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини белгилаб берадиган бир неча қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелдаги «Ўрмон тўғрисида»ги (янги таҳрирда)ги Қонунини ишлаб чиқишда МДХ давлатларидан Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ўрмон қонунчилиги соҳасига оид тажрибалари ўрганилган ҳисобланади. Миллий амалиётни ўрганиш, «Ўрмон тўғрисида»ги Қонун нормалари таҳлили, уларни жойларда ижро этилишини ва қўллаш амалиётини ўрганиш, кейинги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини, шунингдек ушбу соҳада тўпланган амалий тажрибани ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Қонунни қўллаш самарадорлиги пасайишига сабаб бўлаётган такрорлар ва зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш, қонунчиликнинг ҳозирги кундаги ривожланишини ва халқаро шартномаларнинг низомларини инобатга олган ҳолда тегишли қоида ва нормаларни киритиш талаб этилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1999 йилдаги «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунда: биринчидан, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш принциплари ва асосий йўналишлари қонунчиликда

мустаҳкамлаб қуйилмаган эди; иккинчидан, мазкур Қонунда ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тартибини белгиловчи бир қатор моддалар декларатив ва ҳаволаки характерда эди; учинчидан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу ресурслардан фойдаланишнинг институционал ва процессуал тартиби мавжуд эмас эди; тўртинчидан, биологик ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий механизми мавжуд эмас эди; бешинчидан, табиатдан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш чоралари белгиланмаган эди; олтинчидан, ушбу ресурсларни кўпайтириш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқий тартиби декларатив мустаҳкамланган.

Ўрмон фонди ерларида ўрмон қонунбузарликларининг олдини олиш таъсирчан чораларини кўриш ваколатлари қонун ҳужжатларига асосан Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси органларига берилмаганлиги оқибатида ўрмон фонди ерларида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг қонуний ечими бир неча йиллардан буён кутилган натижаларни бермай келмоқда эди. Ўрмонга катта иқтисодий зарар етказган. Оқибатда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг давлат ўрмон фонди ерларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга қаратилган моддалари (77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84-моддалар) ишламай келган. Ушбу ваколатлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ваколатига киритилганлиги ва бу органнинг республиканинг ҳар бир туманида биттадан инспектори фаолият кўрсатиши оқибатида ўрмон фонди ерларида ўрмон қонунбузарликларининг олдини олиш ва таъсирчан чораларини кўришнинг имконияти чекланган бўлган.

Ўтган давр мобайнида ушбу соҳага оид 60 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан ўсимлик дунёсини сақлаш ва ундан самарали фойдаланишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармони ва 3 та қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 44 та қарори ва 12 та идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»(янги таҳрирда)ги Қонун нормаларининг татбиқ этилиши қуйидаги экологик муносабатларнинг тартибга солиш: 1) жонли табиатнинг ўзини ўзи бошқариш қобилятини, биологик хилма-хиллиги барқарорлигини, шу жумладан йўқолиб кетиш чегарасидаги ўсимлик организмлари генофондини сақлаб қолиш; 2) мамлакат ҳудудларида биологик хилма-хилликни, табиий муҳитни ва ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитни узоқ муддатларга сақлаб қолишни кафолатловчи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш ва уларнинг майдонларини кенгайтириш; 3) ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва такрор етиштириш соҳасида меъёрларни, шунингдек ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш квоталарини белгилаш имконини берди. Биринчидан, ҳайвонот дунёсига оид қонун талаблари асосида ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини тартибга солиш; иккинчидан, ўрнатилган ҳайвонот дунёсига оид ҳуқуқий тартиботни, ҳайвонот дунёси

объектларидан фойдаланувчи субъектлари бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликларидан муҳофаза қилиш; учинчидан, ҳайвонот дунёсидан фойдаланаётган субъектларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш орқали ижтимоий адолатни таъминлаш истиқболлари атрофлича таҳлил қилинган.

Кейинги ўн йилликда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида экология ҳуқуқи назариясининг янада тараққиётига хизмат қиладиган энг муҳим устувор институтлар, йўналишлар қуйидагилар бўлиб қолади: биринчидан, ген инженерияси соҳасида атроф-муҳит масаласи; иккинчидан, ўрмон (ўсимлик) ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш; учинчидан, сувдаги биологик ресурслардан фойдаланиш, трансчегаравий чиқиндилар каби масалалар.

Фауна соҳасида ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилашда «муҳофаза этиладиган табиий» ҳудудлар барпо этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қонунчиликнинг таҳлили шуни кўрсатадики, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунда давлат кўриқхоналари илмий изланишлар олиб борадилар, экологик билимларни тарғиб қиладилар деган вазифа ифодаланган. Бу мисралар том маънодаги ҳуқуқий нормаларга ўхшамайди. Айтайлик, давлат кўриқхоналари жамоаси илмий изланиш ишларини юзаки, хўжа кўрсинга олиб борса, экологик тарғиботни самарасиз амалга оширса ёки умуман амалга оширмаса, унда бу жамоага қандай конкрет юридик жавобгарлик (санкция) қўлланилади. Афсуски, қонунда бунга жавоб йўқ.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳаси бўйича қонунларда конкрет ҳуқуқ ва бурчларни ифодаловчи қатъий қоидалар битилиши лозим. Қонунда «фаол иштирок этади», «кучайтирилсин», «қўлланилади», «кўриб чиқади», «чоралар кўради» каби ҳеч қандай бурч ва мажбурият юкламайдиган умумий ибораларга, чақириқларга, эгасиз кўрсатмаларга ўрин бўлмаслиги лозим.

Ҳайвонот дунёсига оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайдиган, яъни ҳаволаки нормалар кўп. Бу нарса камчилик бўлмаслиги мумкин эди, агарда бошқа норматив-ҳуқуқий актларда бу саволлар ўз жавобини топганда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш тўғрисида»ги Низомида овчилик билан боғлиқ қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланади. Бу низомда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бир қанча ҳуқуқбузарлик санаб ўтилган. Айни вақтда мазкур низомда маълум бир ҳуқуқбузарлик учун аниқ санкциялар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Яъни, бу низомда кўрсатилган нормалар жавобгарлик масаласида бошқа қонунларга ҳавола қилади.

Ҳайвонот дунёсига оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнида ўз ечимини топмаган масалалар ҳали мавжудлигича қолмоқда. Лекин бу ерда асосий эътибор бошқа нарсага қаратилиши керак, яъни биринчи навбатда, ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ ўз олдида қўйган мақсад ва

вазифаларига эришишни енгиллаштирувчи бундай қонунчиликни қабул қилинишидан ўзи манфаатдор бўлиши керак. Олий Кенгаш ўн иккинчи сессиясида шу вақтгача амал қилиб келган Ўзбекистоннинг Ўрмон кодекси ўрнига «Ўрмон тўғрисида»ги Қонун, Сув кодекси ўрнига «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилди.

Муаллиф бундай анъанани ижобий деб баҳоламайди. «Кодекс шаклидаги актдан оддий қонунга қайтиш бу орқага қайтишдир» (И.В.Сильченко). Кодекс бўлса аҳамиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларимизда янада жиддийроқ бир муаммо бор. Вазиятни мураккаблаштирадиган ҳолат шуки, бунда қонун ҳали келажакда қабул қилиниши назарда тутилган қонун ости актларига ҳавола беради. Масалан, 2016 йил сентябрга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунда ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси кадастрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низом билан юритилиши кўзда тутилган. Бироқ айтилган низом ва қоидалар салкам 2 йидан сўнг қабул қилинди. Шу давр мобайнида ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси кадастрини юритишга доир қонун меъёрлари ишламади, ҳаракатсиз ётди. Демак, бу борадаги муносабатларда қонуннинг тақдири ҳукумат қарорига боғлиқ бўлиб қолади. Мазкур шароитда қонуннинг устунлиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда албатта қонундан олдин ҳукумат қарорлари тайёрланиб қўйилиши керак. Бу эса янги қонуннинг дарҳол ҳаётга жорий этилишига олиб келади.

Мамлакатимизда биологик хилма-хиллик қонунчилиги доирасида, яъни ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари амалга оширилади. Бу фақат табиий эркинлик ҳолатидаги ёввойи ҳайвонлар учун амалда бўлади. Фауна қонунчилиги билан тартибга солинадиган ҳайвонот дунёси объектлари жуда кўп бўлиб, бугунги кунда қайси ҳайвонот дунёси объектлари унинг таркибига киришини уларни биттада аниқ тасаввур қилиш, ажратиш мушкул. Шубҳасиз, уларнинг маълум қисмини уй ва хўжалик ҳайвонлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни муҳим ҳуқуқий асослардан биридир. Ушбу Қонунда таъкидланишича, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу Қонун ҳажми ва мазмун жиҳатдан жуда қисқа. Масалан, сувдаги биологик ресурслар, шунингдек, балиқчилик соҳасини тартибга солинадиган батафсил нормалар йўқ. Оқибатда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қатор норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар

ишлаб чиқилишига сабаб бўлмоқда. Умуман олганда, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга оид барча муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади деб айта олмаимиз.

Демак, олдимизда табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш вазифаси кескин бўлиб турибди ва бу соҳадаги энг муҳим вазифалар Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилиши лозим. Шунингдек, биринчи ўринда фаунадан фойдаланиш эмас, уни муҳофаза қилиш туриши керак. Бу қоида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилиши зарур.

Адабиётларда ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида муносабатларни тартибга солиш зарурлиги ҳақидаги масалалар кўтарилган. Экология кодексини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида гапириб (И. Вассилева), ўрмонларнинг муҳофазаси ва бошқа ўсимликларнинг ҳаёти, шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларининг яшил жамғармаси, ноёб ва хавф остида қолган ўсимликларнинг бошқа турлари ва қишлоқ хўжалик ўсимликлари муҳофазаланишини таъкидлаган. Ушбу муаммоларни ўрганишда яқин кўшни ва бошқа мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилинган (Тожикистон, Молдова, Туркманистон, Беларусь, Украина) ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича махсус қонунлари таҳлил этилган. Шунингдек, маданийлаштирилган биологик ресурслар ва маданийлашмаган биологик ресурслар таркиби мавжудлиги илмий-назарий таҳлил этилган.

Диссертация ишининг сўнгги бешинчи боби **«Биоресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш»** деб номланиб, миллий ва халқаро биоресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишда халқаро тажриба таҳлил этилган. Бунда ривожланган давлатларнинг биоресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги қонунчилиги кўриб чиқилган ҳамда унинг Ўзбекистон учун фойдали жиҳатлари алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Биоресурсларни халқаро экологик ҳуқуқий тартибга солишга тааллуқли дастлабки халқаро шартномалар XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида вужудга келганлиги, уларда асосан ҳайвонот дунёсининг айрим турларини ҳимоя қилиш ва овлашни тартибга солишга қаратилган масалалар ўрганилган.

Шунингдек, кейинги ўн йилликларда сайёрамиз табиатини муҳофаза қилиш масаласини халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солишда жиддий сифат ўзгаришлари юз берди, давлатнинг бу соҳада олиб бораётган ишлари жадаллашди. Атроф табиий муҳит муаммоларига бунчалик катта эътибор берилиши тасодифий ҳол бўлмай, фан-техника ва жамият ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланиши инсон хўжалик фаолиятининг табиатга таъсирини кескин кучайтиришни тақозо этади, табиий жараёнларга

унинг аралашуви анча кенгайди. Табиат бойликларидан хўжасизларча фойдаланиш сайёрамиз биосферасини жиддий экологик инқироз ёқасига олиб бориб қўйди. Шунинг учун ҳам атроф табиий муҳитни халқаро миқёсда муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Биоресурсларни халқаро экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ёритишда, биринчи навбатда, ўрмон табиат объектига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳозирги кунда миллий қонунчиликда ўрмон ва ундан фойдаланишни тартибга солувчи нормалар маълум бир қисмни ташкил этади. Ҳар бир давлатнинг ўрмон тўғрисида қабул қилган қонунларида ўрмон хўжалиги юритишда жавобгарлик ва уни тартибга солиш қатъий белгилаб қўйилган. Ҳозирда йўқолиб кетаётган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш борасида халқаро-ҳуқуқий механизм ишлаб турибди. Бироқ бу борада ечилиши зарур бўлган масалалар ўз ечимини кутиб турибди. Халқаро муносабатларда ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш аввалги юз йилликда бошланган эди.

Қуруқликдаги ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш юзасидан давлатлар миллий қонунчилики янада ривожлантиряпти. Биргина мисол, Шимолий давлатлардаги ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш юзасидан бир қанча ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Масалан, «Овчилик тўғрисида»ги (Швецияда, Норвегия, Исландия, Дания) қонунлар қабул қилинган. Бизда ҳам ҳеч бўлмаганда, «Сувдаги биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва балиқчилик тўғрисида»ги, «Балиқларни муҳофаза қилиш ва улар захираларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Асаларичилик тўғрисида», «Ов хўжалиги ва ов тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши керак. Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Беларусь, Украина, Россия Федерацияси, Арманистон, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Япония каби давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ва амалиётидан, Европа Иттифоқининг ўсимликларни сақлаш Стратегияси, Европа Иттифоқининг ёввойи флора ва фаунанинг табиий яшаш ареалларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Дерективаси ва Европа Парламент ва Иттифоқининг атроф-муҳитни жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Дерективасидан фойдаланилиши лозим. Бир қатор муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан: асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисидаги Рамсар конвенцияси (Рамсар, 1971 й.); Ёввойи флора ва фаунанинг Европадаги табиий яшаш муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (Берн, 1979 й.); Ўсимликларни химоя қилиш бўйича Халқаро конвенция (Рим, 1951 й.); Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция (Женева, 1961 й.); Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга Биохафсизлик бўйича Картахен протоколи (Картахен, 2000 й.), шунингдек биологик ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш соҳасига оид махсус адабиётлар таҳлил қилиниб, ўрганиб чиқилган.

Марказий Осиёнинг гуллаб яшнаши кўп жиҳатдан Помир, Тяншан ва

Олтой тоғли экотизими худудларидан пайдо бўлувчи дарёларга боғлиқдир. Юқори тоғ тизмалари кўпроқ Атлантик океандан ҳаво оқимлари билан келувчи атмосферанинг юқори қатламларидаги намликларни ушлаб, ичимлик сувининг энг катта (гигант) аккумуляторлари бўлиб ҳисобланади. Бирок, Марказий Осиё тоғларида ўрмонларнинг камайиши ҳамда эрозия оқибатларида деградация жараёнлари кучайиб бормоқда. Помир ва Олтой музликлари 1957 йилдан 2000 йилга қадар муз захираларининг 25% ни йўқотди ва бу жараён мунтазам ривожланиб бормоқда. Азалдан одамларнинг жойлашиши ва уларнинг хўжалик фаолияти сув ресурсларининг жойлашишига боғлиқ бўлган. Марказий Осиёнинг йирик дарёларига; Сирдарё ва Амударё (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон), Чув ва Талас (Қирғизистон ва Қозоғистон), Иртиш (XXР, Қозоғистон, Россия), Урал, Тобол (Қозоғистон, Россия). Табиий сув ҳавзалари ҳамда йирик сув омборлари муҳим аҳамиятга эга. Сув ҳавзанинг юқори тоғли қисмларида умумий майдони 4 минг км кв бўлган 4000 дан зиёд катта ва кичик музликлар мавжуд. Ичимлик сувининг анчагина қисми (17-20 км куб) 300 метрдан ортиқ баландликда жойлашган 1911 йилдаги ер қимирлаши оқибатида Тожикистоннинг Помир тоғларида ҳосил бўлган Сарес кўлида сақланади. Бугунги кунда ушбу кўл жиддий хавфни тўғдирмоқда. Табиий тўғоннинг бузилиб кетиши содир бўлса, Фарғона водийси аҳолиси учун кўплаб одамлар ҳаёти ва катта моддий зарар қуринишидаги ҳалокат хавф солиши мумкин.

Учинчи мингйилликнинг бошланиши икки муҳим тенденция билан баҳоланади. Биринчидан, ҳозирги цивилизация глобал экологик муаммоларга дуч келди (иклим ўзгариши, озон қатлами бузилиши, чучук ичимлик сувининг танқислиги ва ифлосланиши, ерлар ва ўрмонлар таназзули, биохилма-хилликнинг йўқ қилиниши, ортиқча чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва уларни утилизациялаш муаммоси ва ҳоказо). Иккинчидан, дунё жадал суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Шунинг учун кечаги мезонлар билан ҳозирги вазиятни объектив баҳолашнинг иложи йўқ.

Кўчиб юрадиган биообъектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро қонунчилик ҳужжатлари бир қатор бўлиб, улардан Ёввойи флора ва фаунанинг Европадаги табиий яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (Берн, 1979 й.), Африка, Европа ва Осиёдаги кўчиб юрувчи сув-ботқоқ қушларини муҳофаза қилиш бўйича битим (2003 йил), Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисидаги Рамсар конвенцияси (Рамсар, 1971 й.), Бутунжаҳон маданий ва табиий меъросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (Париж, 1972 й.) муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда Устюрт платоси нефть-газ компаниялари томонидан фаол ўзлаштирилмоқда. Одамлар ва техниканинг мавжудлиги миграция учун тўсқинлик қилмоқда. Кўчиб юрадиган ҳайвон турларини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон 1998 йилда Бонн конвенцияси (CMS) ва бу конвенция

доирасида қатор битимлар ва меморандумлар имзолади. Сувда сузувчи қушлар яшаш жойларини муҳофаза қилиш (Рамсар) конвенцияси имзоланди. Бу Ўзбекистонга катта масъулият юклайди ва уларни бажариш бўйича аниқ чораларни қабул қилишни талаб қилади. Масалан, Рамсар конвенциясига мувофиқ уни имзолаган тарафлар сув-ботқоқлик ерларини сақлаб қолиш бўйича чоралар кўришлари шарт. Амалда эса сув оқими чекланганлиги туфайли сувда сузувчи қушларнинг энг кўпи қишлайдиган, Бонн конвенцияси ва Сайга (*Saiga tatarica tatarica*) антилопасини сақлаб қолиш, тиклаш ва барқарор фойдаланиш бўйича ҳамжиҳатлик ҳақидаги Меморандумга мувофиқ тарафлар сайғоқларни сақлаб қолиш бўйича чоратadbирлар кўришга мажбурлар. Амалда эса муҳофаза бўлмаганлиги сабабли Устюртдаги сайғоқлар популяцияси деярли йўқолиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилана фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битим имзоланган бўлиб, унга кўра, ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини муҳофаза қилиш бўйича конвенция доирасида Ўзбекистон «Сайғоқни сақлаб қолиш, тиклаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича ҳамжиҳатлик ҳақидаги Меморандум»ни имзолади (Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Россия).

Интерполнинг баҳолашига кўра, ёввойи флора ва фауна турларининг контрабандаси унга қўйилган маблағларнинг ҳажмига кўра наркотиклар контрабандасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди, Конвенция эса мавжуд бўлишига ҳаддан ортиқ жаҳон савдоси таҳдид солаётган ҳайвон ва ўсимликларнинг экспорти ва импорти устидан самарали назорат қилиш дастагидир. Ушбу турлар алоҳида рўйхатлар – Конвенция қоидаларига киритилган. Ҳайвон ва ўсимликларни, уларнинг қисмлари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар (дериватлар)ни олиб чиқиш ҳамда олиб киришга фақат CITES миллий илмий органи билан маслаҳатлашилганидан кейин CITES миллий маъмурий органи берадиган махсус рухсатномаларга кўра йўл қўйилади.

ХУЛОСА

«Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Ўсимлик дунёси деганда табиий муҳитда ўсадиган ёки сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган барча турдаги ёввойи ўсимликлар мажмуи тушунилади.

2. Ҳайвонот дунёси деганда ҳайвонот дунёсида мавжуд бўлиб, табиий эркин шароитда яшаётган ҳайвон галалари, шунингдек сув ва чўлда яшовчи

барча ёввойи ҳайвонларнинг мажмуаси тушунилади.

3. Ўрмон деганда ўрмон фондига ажратилган, давлат рўйхатига олинган, экологик ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган дарахтлар, буталар ва бошқа ўсимликлардан таркиб топган табиат объекти мажмуи ҳисобланади.

4. Генетик ўзгарган организмлар деганда (ГЎО) генетик ўзгартирилган организмлар – сунъий генетик муҳандислик техникаси ёрдамида ўзгартирилган генотип, яъни тирик организм ҳисобланади.

5. Муҳофаза этиладиган ҳудуд биологик хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш ҳамда табиий ресурслар ва улар билан боғлиқ маданият элементларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган, бундай мақсадга хос бўлган қонуний ва маъмурий бошқарув тартибига бўйсунган қуруқлик ёки денгиз қисми. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тартибга солишда илмий ишлаб чиқилган, техникавий, ташкилий тавсияномаларнинг аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, мукамал ҳуқуқий нормаларсиз уни амалга ошириб бўлмайди.

6. Биологик хилма-хиллик деганда генетик ресурслар, турлар, экотизимлар мажмуаси тушунилади. Биологик хилма-хиллик уч даражада кўриб чиқилади: генетик хилма-хиллик, турлар хилма-хиллиги ҳамда экотизимлар хилма-хиллиги. Генетик хилма-хиллик, ер ёки конкрет ҳудуднинг тирик моддасида жамланган генетик ахборотни акс эттиради. Турлар хилма-хиллиги конкрет ҳудудда тарқалган турларнинг сони ва учрашининг такрорийлигини акс эттиради.

7. Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш биологик ресурслардан илмий асосланган, ҳар бир объектининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган, тежамли, уларни қайта тиклаш, ҳолатини яхшилаш ва кескин ўзгартирмасликни кўзда тутадиган фойдаланиш ҳисобланади.

8. Биологик ресурслар – бу генетик ресурслар, организмлар ва уларнинг қисмлари, инсоният учун қимматли ёки потенциал фойдали бўлган экотизимларни ўз ичига олади. Ушбу таъриф умумий халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан берилган. Экология соҳасидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари мазмуни ва илмий адабиётлардаги таҳлилларга кўра, биологик ресурслар бу табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар мажмуи.

9. Биологик ресурсларнинг барқарор сақлаб қолинишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳуқуқий қонунчилик моҳияти биологик ресурслар ҳолатига таъсир қилувчи жисмоний ва юридик шахсларга ижтимоий-иқтисодий усулларни қўллашда намоён бўлади ҳамда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларини бажаришга ундайди.

10. Биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясининг қуйидаги хусусиятлари ажратиб кўрсатилди: биологик хилма-хилликни тиклаш ва сақлаш – экологик хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатнинг барқарор ривожланиши, иқлим ўзгаришининг юз бераётган жараёнларига мослашиш; биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишнинг ёки

мавжуд режалар ва дастурларга мослаштиришнинг миллий стратегиялари, режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш; биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш учун унинг муҳим аҳамиятга эга бўлган қисмларини белгилаш; биологик хилма-хиллик ишончли сақланишини таъминлаш мақсадида мавжуд муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш; таназзулга учраган экотизимларни тиклаш ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш.

11. Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги манбаларнинг тарихий ривожланишини уч даврга бўлган ҳолда босқичларга ажратилмоқда. Биринчи босқич қадимги даврни қамраб олиб, Зардуштийларнинг «Авесто» китобига биноан инсон яшаши давомида тирик табиатга бирон бир таризда зарар етказмаслиги зарур, «сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир» Иккинчи босқич собиқ Иттифоқ даврида ҳайвонот (ўрмон, ўсимлик) дунёси объектларидан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликнинг ривожланишига бағишланган ўзига хос жиҳатлари аниқланган. Учинчи босқич мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳайвонот (ўрмон, ўсимлик) дунёси объектларидан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишни тартибга солувчи қонунчиликнинг ривожланишининг асосий тенденциялари ажратиб кўрсатилган.

12. Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузганлик учун юридик жавобгарлик ўзининг асосий мақсади ва принциплари билан бошқа қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликдан фарқ қилмайди, аммо маълум бир ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади. Бу алоҳида хусусиятлар биологик ресурслар объектларига етказилган зарарни такса услуби асосида ундириш ва биологик ресурслар соҳасида махсус жазо чоралари, яъни биологик ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш чораларини қўллашдан иборат.

13. Биологик ресурслар соҳасида қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик учта мақсадни мужассамлаштиради: биринчидан, биологик ресурслардан (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари) фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш; иккинчидан, биологик ресурсларга етказилган зарарни қоплаш; учинчидан, биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликни содир этишдан огоҳлантириш ҳисобланади.

II. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

14. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш

тўғрисида»ги ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддаси яъни «Жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари» билан боғлиқ масалалар янги қонунлар талабларига мослаштириш зурур.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг алоҳида моддаси «қонуннинг асосий вазифалари» деб номланиши ва унда хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси кўрсатилиши лозим.

16. Ўзбекистон Республикасининг «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунда хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувининг асосий принциплари аниқ нималардан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилиши керак.

17. «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг амалдаги таҳрирда, 1-моддасида белгиланишича, «Ушбу Қонуннинг талаблари атир-упа, пардоз-андоз моллари ва тамаки маҳсулотларига ҳам тааллуқлидир» деб белгиланган. Ушбу модданинг иккинчи қисмидаги «атир-упа, пардоз-андоз моллари ва тамаки маҳсулотлари» бошқа қонунчилик предметиға кирганлиги сабабли олиб ташлаш таклиф этилади.

18. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 94¹-модда билан тўлдириб, унда «Биоресурслардан фойдаланиш меъёрларини бузиш» деган мазмундаги нормалар белгиланса мақсадга мувофиқ. Таассуфки, биоресурслардан фойдаланиш меъёрларини бузганлик учун алоҳида бир маъмурий жавобгарлик чоралари ўрнатилмаган.

19. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни 7-моддаси қуйидаги мазмундаги 9-банд билан тўлдирилиши лозим. «Ярим эркин шароитда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқинликда сақланаётган ва (ёки) етиштирилган ёввойи хайвонлар ҳамда сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлиши мумкин». Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ноаниқлик ва номувофиқликларга оидинлик киритиш мақсадида, ярим эркин шароитда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақланаётган ва (ёки) етиштирилган ёввойи хайвонлар ҳамда сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги янги 9-банд билан тўлдирилмоқда.

20. Мамлакатимизда қабул қилинган янги қонунчиликлар нуқтаи назаридан ҳамда шаклланган амалиётдан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунининг 47-моддаси қуйидаги иккинчи қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир: «Фуқаролар

ўрмонларда ёнғин хавфсизлигига риоя этишлари, ёнғинлар чиққан ҳолларда эса уларни ўчириш чораларини кўришлари, дарахтлар ва буталарни синдиришга, кесишга, ўрмон экинларига шикаст етказилишига, ўрмонларнинг ифлосланишига, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, урчиш жойлари ва кўчиб ўтиш йўллари бузилишига йўл қўймасликлари, шунингдек ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талабларни бажаришлари шарт».

21. Мамлакатимизда шаклланган амалиётдан келиб чиқиб, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси қуйидаги иккинчи қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир:

«Ер участкалари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ва бошқа табиий объектлар хусусий буюртма кўриқхоналар ҳамда табиий питомниклар ташкил этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин».

22. Қонуннинг 14-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида **тақиқланмаган бошқа манбалар** ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда юритилади».

23. 18-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши керак:

Табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг қаттиқ режимига эга бўлган, типик экологик тизимлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг турлари хилма-хиллигини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш ҳамда ўрганиш учун мўлжалланган, умумдавлат аҳамиятига молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кўриқхоналари ҳисобланади.

24. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 202¹-модда билан тўлдириб, унда «Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш» деган мазмундаги нормалар белгиланса мақсадга мувофиқ.

25. Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш лозим. Ўрмон кодекси, Сув кодекси, «Асаларичилик тўғрисида»ги, «Табиат боғлари тўғрисида»ги, «Ген инженерияси тўғрисида»ги, «Балиқларни муҳофаза қилиш ва улар захираларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Ов хўжалиги ва ов тўғрисида»ги, «Трансчегаравий сувлар тўғрисида»ги, «Сувдаги биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва балиқчилик тўғрисида»ги, «Тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар, «Йўрға тувалоқ қушини овлаш ва кўпайтириш самарадорлиги ошириш бўйича низом», «Доривор ўсимликларни етиштиришда питомникларни ташкил этиш тўғрисида» қарор

кабилар шулар жумласига киради.

26.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги 290-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 8-бандини «Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ, тўлов эвазига Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади» деган мазмунда ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

27.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги 290-сон Қарори билан тасдиқланган «Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 10-бандининг 2-қисмини «Умумий фойдаланиш меъёрлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишув бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади» деган нормани киритиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

НАРЗУЛЛАЕВ ОЛИМ ХОЛМАМАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ОХРАНЫ
И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БИОЛОГИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ В
УЗБЕКИСТАНЕ**

12.00.06 – Природоресурсное право. Аграрное право. Экологическое право

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2./Yu61.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) на веб-странице Научного совета (www.tsul.uz) и Портале Информационной образовательной сети «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Официальные оппоненты:

Усмонов Мухаммади Бахритдинович
доктор юридических наук, профессор

Имомов Нурилло Файзуллаевич
доктор юридических наук, профессор

Камалов Ойбек Ахматович
доктор юридических наук, профессор

Ведущая организация:

**Высшая школа судей при Высшем судейском совете
Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится 17 июля 2020 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 при Ташкентском государственном юридическом университете. (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Сайилгох, 35). Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрировано за № 921), (Адрес: 100047, г.Ташкент, ул. А.Темура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан 2 июля 2020 года.

(протокол реестра № 23 от 2 июля 2020 года).

И.Р.Рустамбеков

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, и.о.профессора

Д.Ю.Хабибуллаев

Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат юридических наук, профессор

С.С.Гулямов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

Введение (Аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Во всем мире охрана биологического разнообразия, рациональное использование биологических ресурсов и обеспечение экологической безопасности являются одной из важных социально-правовых вопросов. В Красную книгу Международного союза охраны природы входит 73 вида и подвида животных. Их будущее вызывает тревогу в глобальном масштабе. По данным Глобального экологического фонда, «снижение биологического разнообразия, в том числе: исчезновение редких генов, видов и экосистем, рассматривается как угроза. Если нынешние темпы снижения биоразнообразия сохранятся, то в результате действий людей по уничтожению, загрязнению и изменению среды обитания, половина видов на планете исчезнет менее чем за 100 лет»¹. С этой точки зрения, исследование данной темы в качестве средства защиты биологических ресурсов и обеспечения механизмов права на их использование представляет актуальное значение.

В мире вопросам поиска научных решений проблем, связанных с организацией охраны окружающей среды и рациональным использованием природных ресурсов, недостаточной реализацией обеспечения состояния экологической устойчивости, биологических ресурсов, биотехнологий, генной инженерии, государственного кадастра и мониторинга биоразнообразия, недостаточного внедрения механизмов финансирования и оценки в области биоразнообразия, национальным законодательством и правоприменительной практикой, придается особое значение.

Особое внимание уделяется охране биологических ресурсов в республике и обеспечению их рационального использования, укреплению правовых основ, внедрению действенных механизмов института, активному вовлечению населения в решение экологических проблем посредством повышения его осведомленности и экологической культуры относительно биоразнообразия, предпринимаются целевые меры. В соответствии с принятой в нашей стране Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан «определены приоритетные направления, цели и задачи, планирование сохранения биологического разнообразия, способов их эффективного достижения, а также стадии реализации в долгосрочной перспективе государственной политики по формированию и развитию стабильной системы в сфере охраны биологического разнообразия и его использования»². Исследование вопросов развития правового обеспечения охраны биологических ресурсов и их использования имеет важное значение. В своем обращении к Олий Мажлису Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев объявил 2020 год в нашей стране **Годом науки, просвещения и развития цифровой экономики**, подчеркнув, что «мы должны уделять больше

¹ <http://www.uza.uz>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Свод законодательных актов Республики Узбекистан, 2017. - №6. - С.70.

внимания охране окружающей среды и улучшению экологической ситуации»³. По нашему мнению, эта концептуальная идея напрямую связана с совершенствованием правового регулирования охраны и использования биологических ресурсов в нашей стране.

Законы Республики Узбекистан «Об охране природы» (1992), «Об охране и использовании животного мира» (2016), «Об охране и использовании растительного мира» (2016), «О лесе» (2018), Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об урегулировании использования биологических ресурсов и о порядке прохождения разрешительных процедур в сфере природопользования», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 июня 2019 года №484 «Об утверждении Стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы» и ряд других нормативно-правовых актов влияют на развитие исследований в области охраны и использования биологических ресурсов.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴.

В результате указанных зарубежных научных исследований касательно вопросов, связанных с приоритетными направлениями, целями и задачами, планированием сохранения биологического разнообразия, способами его эффективного достижения, а также государственной политикой по формированию и развитию стабильной системы в сфере охраны биологического разнообразия и его использования в долгосрочной перспективе достигнуты научные результаты. В проведенных зарубежных исследованиях раскрыты такие вопросы, как меры правовой охраны биологических ресурсов Harvard University (США); обосновано планирование мер по предотвращению изменения климата и сохранению биоразнообразия посредством стратегического управления (Cambridge University, Великобритания); предложено достижение устойчивого развития посредством целенаправленного экономического воздействия на социальную деятельность (National University of Seoul, Южная Корея); обоснована охрана

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/categ/oy/5.24.01.2020>. «Халқ сўзи» газетасининг 2020 йил 25 январдаги, №19 (7521) сони.

⁴ «Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлен на основе:» www.harvard.edu, www.uni-bonn.de, www.u-psud.fr/fr/index.html, [The University of Tokyo http://www.the-university-of-tokyo.ac.jp/en/index.html](http://www.the-university-of-tokyo.ac.jp/en/index.html), [Shanghai University http://www.shu.edu.cn/Default.aspx](http://www.shu.edu.cn/Default.aspx), <http://www.izak.ru>, <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; <http://www.hs-mittweida.de>; <http://www.sorbonne-university.com>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <https://www.ecology.uga.edu>; <http://web.mit.edu>; <https://www.indiana.edu>; <http://www.sggw.pl>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>; www.rug.nl; <http://www.wvfindia.org>; <http://www.mq.edu.au>; <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; www.iseu.bs.by. www.tsul.uz и других источников.

окружающей среды посредством территориального планирования (Международный государственный институт экологии, Республика Беларусь); обосновано сохранение благополучия жизни человека и биоразнообразия в природе путем снижения воздействия урбанизации на окружающую среду (Estonian Environmental Law Centre, Эстония); обосновано развитие системы современного правового регулирования в сфере устойчивого развития и торговли, планирования путем рационального и стабильного управления ограниченными ресурсами (Stockholm Environmental Law and Policy Centre, Швеция); обосновано значение международных договоров в охране биологических ресурсов (Франция); разработаны механизмы рационального использования биологических ресурсов и их использования (Ташкентский государственный юридический университет).

В мире проводятся целый ряд исследований по совершенствованию правового регулирования биологических ресурсов, в том числе по следующим приоритетным направлениям: правовая охрана биологических ресурсов; эффективное использование биологических ресурсов и развитие его правовых механизмов; разработка положений, направленных на обеспечение международной унификации национального законодательства по правовому регулированию биологических ресурсов.

Степень изученности проблемы. В Узбекистане не проводились монографические исследования с точки зрения специальности теории экологического права по теоретико-правовым аспектам правового регулирования охраны биологических ресурсов и его использования. Проблемы, связанные с данным диссертационным исследованием на общих основаниях, были в той или иной степени изучены учеными правоведами нашей страны. К ним можно отнести научные работы таких ученых, как И.Ж.Жалилов, Ю.А.Жураев, Ж.Т.Холмуминов, М.Б.Усманов, Ш.Х.Файзиев, У.Т.Аюбов, У.Б.Бозоров, Н.К.Срипников, С.С.Хамроев, М.К.Наджимов, И.А.Черкашина, Ф.С.Намазов, Г.Г.Файзуллаева, Дж.И.Сафаров, М.М.Нурматов, Г.Ш.Узакова, М.Р.Мирзаабдуллаева, Р.Х.Кенжаев, Д.М.Умаров, Д.Н.Махкамов, Р.С.Тошбоева, Т.Мирзаев, А.А.Нуридиллаев.

Исследованы особенности правового регулирования отношений, связанных с биологическими ресурсами в зарубежных странах, и теоретические аспекты, связанные с этим вопросом, в частности, экономические вопросы использования биологических ресурсов, были исследованы в диссертациях Т.С.Хачатурова, М.Н.Лойтера, Дж.А.Диксона; вопросы биологических ресурсов в качестве объекта международного экологическо-правового регулирования – А.Бойля, Я.Броунли, А.Гроса; вопросы административной ответственности за правонарушения в сфере использования биологических ресурсов – Д.Н.Бахраха, В.Р.Кисина; вопросы уголовной ответственности за незаконную охоту биологических ресурсов в воде – А.А.Дежурного, А.М.Неудахина и других ученых.

Задача реализация государственной политики в сфере формирования и

